# Янги 2006 йил барчамизга муборак бўлсин!

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir.



Высшее благо медицины – здоровье.

✧ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru ✧ № 1 (465) 2006-yil 4-9 yanvar ✧ Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. ✧


## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги – 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари – юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, авваламбор иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда – мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб турган уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва тухматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин

**(Давоми 2-бетда).**

## *2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили*



**Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.**

## МАСЪУЛИЙ ИШЛАРГА ДАЪВАТ

***Тиббиёт ходимларининг меҳнати ўта оғир ва масъулиятли эканлигини теран англаган юртбошимиз 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилган бўлса, унинг мантиқий давоми сифатида 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили дея эълон қилиниши, шунингдек, «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор биз тиббиёт ходимлари фаолиятига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг бир намунаси бўлди, десам хато қилмаган бўламан.***

### *Эътироф*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом ва муносиб турмуш тарзини яратиш борасида салмоқли ишларга қўл урилди. Бугун Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамияти қаторидан жой олиб, ривожланиш поғоналаридан босқичма-босқич одимлаб бораётганлигини кўпгина қилинган ишлар мисолида кўрсатиш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонда кўрсатилганидек, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар юқоридаги қарор бандларида ҳам атрофлича белгилаб ўтилган. Юртбошимизнинг айниқса, чекка-чекка худудлардаги аҳоли саломатлигига хизмат қилаётган шифокор ва ҳамширалар меҳнатинг ҳисобга олиб, уларга белгиланган меъёрда иш ҳақини ошириш ҳамда рағбатлантиришга йўналтирилган имкониятлар билан таъминланишини кучайтиришга асосланган кўрсатмалари қилинажак меҳнатлар самараси бесамар кетмаётганлигини бир карра исботлайди. Яна бир муҳим жиҳат Қарорда ўзининг касбий бурчига содиқ бўлган ва малакали тиббий хизмат кўрсатадиган ходимлар меҳнатини холис баҳолаш ҳамда рағбатлантириш борасида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳамда масъулиятини ошириш юзасидан қўйилган вазифалар қамрови анча кенглиги билан характерлидир. Сабаби, диёримизда бугун ўз салоҳияти, билим ва тажрибаси билан мутахассисларни орқада қолдирадиган ҳамкасбларимиз тўғрисида фахрланиб гапириш мумкин. Шахсан ушбу Қарор мени ниҳоятда севинтириб юборди. Нафақат мени, балки, республикамизда тиним билмай хизмат қилаётган, умрини, фаолиятини ана шу халқ саломатлиги йўлида бахшида этган ҳар қандай тиббиёт ходимини ҳам тўлқинлантириб юбориши табиий. Қайси соҳада ишламанг, меҳнат қилманг, у ерда қилаётган ишингизга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик бўлса, олиб бораётган турли йўналишдаги ислоҳотлардан руҳланиб, илҳомланиб ишлашингизга маълум маънода замин яратилар экан. 2006 йилнинг айнан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» сифатида эълон қилиниши, ҳар биримизга янада чуқур масъулият, янада тезкор фаолият, маҳсулий ишларга даъват руҳиятини бахш этиши шубҳасиз. Шу фурсат арафасида мен ҳам бутун республикамиз аҳолисини Янги йил байрами билан самимий қутлаб, уларнинг барчасига оилавий бахт, фаолиятларида эса зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Абдураҳмон НОСИРОВ,**
**Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

**REKLAMA VA E'LONLAR: TEL:. 133-13-22, 133-57-73.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**
яхшилик ва сахийлик, олижанoблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Якинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови – аввало ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон**
**Республикаси Президенти.**



**Қорбобо ва қорқизнинг ташрифи болажонлар қувончига янада қувонч қўшиб, уларни эртаклар оламига етаклади.**

*Эълон*

## Муштарийлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларини амалиётга татбиқ қилиш юзасидан саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ходимлари билан қуйидаги **144-10-08, 144-15-81** рақамли телефонлар орқали бевосита мулоқотда бўлишингиз мумкин.

Шунингдек, саволларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг web-сайти (www. mzr. uz) орқали юбориб, жавоб олиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

*Объявление*

## Вниманию читателей!

В Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан работают телефоны № **144-10-08, 144-15-81,** по которым можно получить ответы на интересующие вас вопросы касательно введения в практику Постановления Президента Республики Узбекистан от 1 декабря 2005 года "О совершенствовании системы оплаты труда медицинских работников" и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 декабря 2005 года "Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников".

Кроме того, вопросы можно направлять и получить ответы на них на web-сайте Министерства здравоохранения. Адрес в Интернете: www. mzr. uz.

**Министерство здравоохранения**
**Республики Узбекистан.**

*Шифокор огоҳлантиради*

# ПАРОДОНТИТ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

***Соғлом тиш бу гўзаллик, саломатлик, навқиронлик ва нотиқлик демакдир. Тиш касалликлари орасида пародонтит тиш кариесидан кейин иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам пародонтология ҳозирги замон стоматологиясининг энг муҳим бўлимларидандир. Унинг асосий вазифаси пародонтит касалликларини эпидемиологияси, клиникаси, яъни кечишини ўрганиш, касалликни келтириб чиқарувчи сабабларини барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактикасини олиб боришдан иборатдир. Тиш унинг илдизи, атрофидаги юмшоқ тўқималар ва пастки, юқори жағдаги альвеоляр суяк тўқимаси пародент тўқима дейилади. Ана шу тўқималарда бўладиган яллиғланиш пародонтит деб аталади.***

**Касалликнинг сабаблари: маҳаллий ва умумий сабабларга бўлинади.**

**Маҳаллий сабабларга:** микробли тиш караши мавжуд бўлиши, милк устки ва остки тиш тошлари борлиги, тиш қаторларидаги нуқсонлар, тишларнинг прикус нуқсонлари, оғиз бўшлиғида сўлакнинг сифат ва миқдор ўзгаришлари ҳамда бошқалар.

**Умумий омилларга:** организмда А, В, С, Д, Е, РР витаминларининг етишмаслиги, пародент тўқимаси қон томирларида атеросклеротик ўзгаришлар, организмнинг ҳимоя қобилияти пасайиши, эндокрин касалликлар (қандли диабет, қалқонсимон без фаолияти етишмасликлари), ошқозон ичак тизим ва қон касалликлари (яхши ва ёмон лейкозлар) мисол бўла олади.

**Касалликнинг кечиши:** юқорида таъкидланган омиллар мавжуд бўлганда пародонтит гингивет кўринишда бошланади. Гингивет тиш атрофи милк тўқимаси яллиғланиши бўлиб, катарал, гипертрофик ярали шаклларда намоён бўлади. Гингиветда милк қизариб туради, осон қонайди, милк шишиб туради. Гингиветнинг каторал шакли ўз вақтида даволанмаса иккиламчи микроорганизмлар иштирокида ярали шаклга айланади ва тиш бўғинлари чўнтакларини келтириб чиқаради. Энди чўнтакдан йиринг ажрала бошлайди. Оғизда ёқимсиз кўланса ҳид пайдо бўлади.

Тиш атрофи тўқимасида чўкиш бошланади, тиш илдизи очилиб боради. Овқатланганда ҳарорат ўзгаришлари таъсирида оғриқ пайдо бўлади. Тишлар қимирлашининг I, II, III даражалари кузатилади. Милк тўқималари қонаб туради, тиш атрофида милк остки ва устки тошлар кўпайиб боради. Касаллик аста-секин узоқ муддат давом этади. Пародонтит касаллиги билан асосан 30-35 ёшдан 45-50 ёшгача бўлган кишилар кўплаб касалланади. Пародонтитнинг ўткир ва сурункали шакллари фарқланади. Ўткир шакли камроқ кузатилади ва кўпроқ маҳаллий омиллар таъсирида келиб чиқади. Аммо ана шу омилларни йўқотиш билан яллиғланишни тугатиш мумкин. Касалликнинг сурункали шакли узоқ йиллар давом этади. У ўз вақтида гингиветни даволамаслик, оғиз гигиенасига риоя қилмаслик пародонтитни сурункали давом этишига олиб келади. Пародонтитнинг сурункали ўчоқли ва сурункали ялпи турлари фарқланади. Ўчоқли турда алоҳида олинган 4-6 тиш атрофида яллиғланиш кузатилади. Ялпи турда барча тишлар атрофида юқори ҳамда пастки жағда яллиғланиш мавжул бўлади. Пародонтит узоқ давом этиш натижасида милк ва суяк тўқимаси чўкади, тишлар қимирлаб қолади ва тушиб кетишига олиб келади. Пировард натижада тишсизлик келиб чиқади, овқат чайнаш қийинлашади, тишлар ён томонларга қийшаяди ёки елпиғич қанотларидек бир-биридан узоқлашади.

**Пародонтитни даволаш ва профилактикаси:** мутахассис врач-стоматологлар ёрдамида, бемор иштирокида олиб борилади. Даволаш ишлари симптоматик ва умумий, организм қувватини ошириш билан амалга оширилади. Симптоматик даво яллиғланишни тўхтатиш чора-тадбирларидан иборат. Врач-стоматолог тиш атрофидаги милк устки-остки тишларни тозалайди, милк тиш чўнтакларидаги йирингни йўқотиш учун турли дорилардан фойдаланади. Шунингдек, тиш қатори ва прикус нуқсонларини йўқотиш йўлларини тавсия қилади. Даволашнинг умумий чора-тадбирлари организм қувватини ошириш орқали олиб борилади. Ошқозон-ичак тизим касалликлари, эндокрин, юрак, қон-томир тизим касалликларини даволаш, бошқа малакали мутахассис шифокорлар билан биргаликда амалга оширилади. Пародонтит касалликларининг барча турлари фақат стоматолог-врачлар ёрдами билан даволанади, малакали ёрдам кўрсатилади.

**Профилактика:** ҳар бир киши йилига икки марта стоматолог назоратидан ўтиши лозим. Тиш тошларини ўз вақтида тозалатиб туриш; оғиз гигиенасига тўлиқ амал қилиш; овқатлангандан сўнг оғизни чайиб ташлаш; ҳар куни кечкурун ухлашдан олдин оғизни тиш пастаси ва чўткасидан фойдаланган ҳолда 3-5 дақиқа давомида яхшилаб ювиш; организмдаги умумий касалликларни ўз вақтида мутахассис шифокорлар тавсияси билан даволатиш; организмни ёшликдан бошлаб чиниқтириб бориш ва қувватини ошириш; овқатланиш сифатига эътибор бериш; иложи борича овқат сифати таркибида табиий минераллар бўлишини таъминлаш; оқсилли ва витаминли овқатлар истеъмол қилиш. Хуллас, буларнинг барчаси соғлигингиз манбаси эканлигини унутманг. Доимо пародонтит касаллигининг олдини олинг!

**Р. ШОКИРОВ,**
**Навоий вилояти, Кармана тумани «Ҳазора» қишлоқ врачлик пункти врач-стоматологи.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОНОРЛАР ҚОНИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР

**Тошкент шаҳри** **№ 42** **22 декабрь, 2004 йил**

Мен, Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи Б.И.Ниязматов Республикада қон донорлари орасида ОИВ/ОИТС, вирусли гепатитларнинг В, С ва Д турлари билан зарарланиш ҳолатлари аниқланаётганлиги ҳақида Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати ва ОИТС марказлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек «Қуйилаётган қоннинг хавфсизлигини баҳолаш» бўйича СиДиСи маълумотларини ўрганиб чиқиб, республикада ОИВ/ОИТС бўйича эпидемик вазиятнинг мураккаблиги сақланиб қолаётганлигини аниқладим.

ОИВ/ОИТС билан зарарланган беморларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2001 йилда ОИВ/ОИТС 549 ҳолда рўйхатга олинган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони – 981 та, 2003 йилда – 1836 та, 2004 йилда эса – 2028 тагача кўпайди.

Ҳозирги кунда ОИВ ҳамда вирусли гепатитларнинг В, С ва Д турлари билан зарарланиш ҳолатлари, нафақат инъекцион гиёҳвандлар, балки тижорат мақсадида жинсий алоқа қилувчилар, жинсий алоқа орқали ўтадиган инфекциялар билан касалланган беморлар, жазони ўташ муассасаларидаги шахсларда ва қон донорлари орасида ҳам рўйхатга олинмоқда.

Қатор ҳолатларда, донорлар қони ва унинг таркибий қисмлари спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчилар, доимий иш жойи бўлмаган, инъекцион гиёҳвандлар каби донор бўлиши таъқиқланган тоифадаги одамлардан олинган қондан тайёрланаётганлиги бу борада хушёрликни янада оширишни тақозо этмоқда.

ОИВга ИФА мусбат бўлган донорлар сони йил сайин кўпаймоқда. Улар орасида Иммуноблот усулида тасдиқланган ОИВ/ОИТС билан оғриган беморлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Республикада мавжуд вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган қатор ташкилий ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Босқичма-босқич эпидемиологик назоратнинг 2-авлоди татбиқ этилмоқда. Иккита пилот ҳудудда (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) хавфли хулқ-атворга эга бўлган аҳоли гуруҳи орасида дозорли эпидемиологик назорат жорий этилди, яна учта вилоятда бу борада тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда.

ОИВ/ОИТС бўйича вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган барча тадбирлар тегишли вазирликлар, идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан республикада ОИВ инфекцияси ҳолати аҳолининг турли гуруҳлари ичида, шу жумладан, қон донорлари орасида ҳам рўйхатга олинмоқда.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, республикада донор қони ва унинг таркибий қисмлари орқали ўтадиган инфекциялар масаласида трансфузион хавфсизликни таъминлаш мақсадида

**ТАКЛИФ ҚИЛАМАН:**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идораларга:**

– Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг (ЭҚҚФК) 2003 йил 26 майдаги 3-сонли баёни билан маъқулланган «2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС эпидемияси тарқалишига қарши курашишнинг стратегик дастури»нинг бажарилиши таъминлансин;

– Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ЭҚҚФКлари қошидаги «ОИВ/ОИТС бўйича кичик комиссия»лар фаолияти кучайтирилсин.

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Республика ихтисослаштирилган Марказлар ва клиникаларнинг раҳбарларига:**

1.1. Ҳар бир қон топширишдан олдин, донорни чуқур тиббий врачлик текширувидан ўтказиш қоидасига қатъий амал қилинсин, доимий яшаш жойи қайд этилган паспорти бўлган тақдирдагина улардан қон олинсин;

1.2. Қон қуйиш станцияси, бўлимлари, даволаш-профилактика муассасаларида қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш ва қўллашда санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши қоидаларга қаттиқ риоя этилиши таъминлансин;

1.3. Қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ҳар бир ташкилотнинг фарқловчи ўз белгиси бўлсин;

1.4. Тест текширувдан ўтказишда махфийликка (конфиденциалликка) риоя қилган ҳолда доимо тестдан олдинги ва тестдан кейинги маслаҳат бериш таъминлансин;

1.5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 8 июндаги 281-сонли ва 1999 йил 3 февралдаги 55-сонли буйруқларига мувофиқ беморга, унинг аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари маркерларига ва жинсий алоқа орқали юқадиган касалликларга текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмларини тўғридан-тўғри қуйиш таъқиқлансин, таркибий қисмларга бўлинмаган қон қуйилиши чеклансин ва компонентли гемотерапия ривожлантирилсин;

1.6. Барча даволаш-профилактика муассасаларида ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари маркерларига ва жинсий алоқа орқали юқувчи касалликларга текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмларини тўғридан-тўғри қуйиш таъқиқланганлиги тўғрисидаги қоидага риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин;

1.7. Ҳаётий заруриятт туғилганда беморга қон ёки унинг таркибий қисмларини қуйиш фақат қон қуйишни ҳал этувчи ҳайъатнинг қарори асосида амалга оширилсин. Тунги вақтларда эса бу вазифа жавобгар навбатчи врач зиммасига юклатилсин;

1.8. Барча даволаш-профилактика муассасаларида қон ва унинг таркибий қисмлари ҳамда қон ўрнини босувчи препаратларни қуйиш амалда тасдиқланган йўриқномага мувофиқ ташкил этилиб, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилсин;

1.9. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қон қуйиш станцияларида, 2005 йил давомида, қонда ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари маркерларини, жинсий алоқа орқали ўтадиган, юқумли касалликлар қўзғатувчиларини аниқлайдиган лабораториялар ташкил этилсин;

1.10. Қон ва унинг таркибий қисмларини ОИВ, вирусли гепатитларнинг маркерларига текширишда тест-системаларнинг IV авлодидан, ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари ҳамда жинсий алоқа орқали юқадиган инфекцияларнинг антиген ва антителоларини бир вақтда аниқлайдиган аппаратлардан фойдаланиш таъминлансин;

1.11. Бемор ёки унинг қариндошлари венасидан қон олиш ва уни бошқа дори воситалари билан бирга мушак ичига юбориш амалиёти таъқиқлансин;

1.12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қон қуйиш станцияларида, шошилинч ҳолатларда ишлатиш учун, ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари ҳамда жинсий алоқа орқали юқадиган инфекцияларга текширилган донорлар қони ва унинг таркибий қисмлари заҳираси ташкил этилсин;

1.13. Қон қуйиш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари қошида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, ДСЭНМ бош врачи, СПИД марказзи ва қон қуйиш станциялари директорлари, вилоятнинг лаборатория хизмати бўйича бош мутахассиси, донорлар қони ва таркибий қисмларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва ишлатишда хавфсизликни назорат қилиш бўйича эпидемиологдан таркиб топган ишчи гуруҳ ташкил этилсин;

1.14. 2005 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қон қуйиш станциялари қошида электрон маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ягона донорлик марказлари ташкил этилсин;

1.15. 2005 йил давомида қонни ва унинг таркибий қисмларини (болалар касалхоналарида кичик қадоқларда ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда) бир марта ишлатиладиган пластик идишларга қадоқлаш босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

1.16. Хавфсиз донор қони ва унинг таркибий қисмлари билан таъминланиш ҳолати ҳар йили ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилинсин. Донорлар қони ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш ва ишлатишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини таъминламаган даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарларига ҳамда жавобгар мутахассисларга нисбатан қонунда белгиланган тегишли чоралар кўрилсин.

**2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош Давлат санитария врачлари ва ОИТС марказлари Бош врачларига:**

2.1. Бир ой ичида, кейинчалик, ҳар чоракда барча қон қуйиш станциялари, бўлимлари ва даволаш-профилактика муассасаларида донорлар қони ва унинг таркибий кисмларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати текширилсин;

2.2. Қон қуйиш станциялари (бўлимлари) ва даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена талабларини, эпидемияга қарши ва дезинфекция-стерилизация қоидаларини бузган, ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари, жинсий алоқа орқали юқадиган инфекцияларни қон ва унинг таркибий қисмлари орқали касалхона ичи шароитида тарқалишига йўл қўйган даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарларига ҳамда жавобгар мутахассисларга нисбатан қонунда белгиланган тегишли маъмурий, ҳатто ишини терговс органларига топширишгача бўлган чоралар кўрилсин;

2.3. Донорлар қони ва таркибий қисмларини тайёрлаш ва улардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатилсин;

2.4. 2005 йилнинг 1 февралигача, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, лавозимларни идоравий алмаштиришдан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСЭНМларининг (молия органларида рўйхатдан ўтувчи) штат жадвалига киритмаган ҳолда, муассасанинг иш ҳақи фонди доирасида донорлар қони ва таркибий қисмларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва ишлатишда хавфсизликни назорат қилиш бўйича ЎХЮК бўлимига эпидемиолог лавозими киритилсин.

**3. Гематология ва қон қуйиш ИТИ ва Республика ОИТС маркази директорлари, Республика ДСЭНМ Бош врачига:**

3.1. Даволаш-профилактика муассасаларида халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, донор қони ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланиш ва унинг хавфсизлиги бўйича ташкилий-услубий раҳбарлик таъминлансин;

3.2. Донорликдан четлатиш натижаларини таҳлил этиб, ягона скрининг алгоритми ишлаб чиқилсин ва жорий қилинсин.

**4. Гематология ва қон қуйиш ИТИ директорига:**

4.1. Икки ой муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қон қуйиш станциялари қошида ташкил этиладиган ягона донорлик марказининг тартиби ва Низоми ишлаб чиқилсин, ҳамда жойларга етказилсин;

4.2. Икки ой муҳлат ичида ҳамма қон қуйиш станциялари ва бўлимлари учун ОИВ, вирусли гепатитларнинг В, С, Д турлари ва жинсий алоқа орқали юқадиган касалликларга текшириш натижаларини қайд қилиш учун ягона ёрлиқ (этикетка) ишлаб чиқилсин;

4.3. Қон ва унинг таркибий қисмлари билан таъминлайдиган туну кун хизмат кўрсатадиган қон қуйиш станцияларининг дислокацияси тузилсин ва уларнинг манзили, иш тартиби оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилсин;

4.4. Икки ой муҳлат ичида қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш бўйича ҳисобга олиш ва ҳисобот шакллари, ҳамда йўриқнома ишлаб чиқилсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлансин;

4.5. Республикада донор қони ва унинг таркибий қисмини карантинда (камида 3 ой сақлаш, кейин донорни қайта текшириш билан) сақлаш усулини татбиқ этиш бўйича таклиф киритилсин.

**5. Дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасига:**

– ОИВ ва қон орқали юқувчи бошқа юқумли касалликлар қўзғатувчилари антигенлари ва антителоларини аниқлайдиган сифатли ва сезувчанлиги юқори бўлган тест системаларини ишлаб чиқариш, қон ва унинг таркибий қисмларини тайёрлаш ва сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш устидан назорат кучайтирилсин.

**6. «Ниҳол» заводи ва «Радиопрепарат» ДК директорларига:**

– Республикадаги қон қуйиш станциялари ва бўлимларининг диагностик лабораторияларини халқаро стандартларга жавоб берадиган тест системаларини ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш чоралари кўрилсин.

**7. Давлат санитария-эпидемиология назорати Департаменти бошлиғи, Республика ДСЭНМ Бош врачи, Республика ОИТС маркази директорига:**

– 2005 йилнинг 1-чораги охиригача «Донорлар қони ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида» Санитария қоидалари ва меъёрлари лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

**8. Саломатлик институти директорига:**

– Республикада аутодонорлик ва бадалсиз донорликни кўпайтириш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кучайтирилсин.

**9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон Республикаси темир йўллари» Акционерлик компаниясига:**

– 3 ой мухлат ичида чет эл ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан қоннинг таркибий қисмларини норасмий олиб келинишини аниқлаш ва таъқиқлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

Ушбу Қарор олингандан сўнг, 10 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига шикоят қилиш мумкин, шикоят Қарорнинг ижросини тўхтата олмайди. Қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

Қарорнинг ижроси ҳақида ҳар йили 5 июль ва 5 январга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати Департаментига маълумот бериб борилсин.

Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачининг ўринбосарлари С. С. Сайдалиев ва С. Б. Шоумаровлар зиммасига юклатилсин.

**Бахтиёр НИЯЗМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи.**

## 2006 ГОД - ГОД БЛАГОТВОРИТЕЛЬСТВА И МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ

# СЕРДЦЕ МАТЕРИ

*«Бесценны души, творящие добро.*
*Против всего можно устоять, но не против добра».*

**Ж. Ж. РУССО.**

***Вспоминая прожитые годы, Мария Петровна Честнова с болью и горечью думает о том, что самым страшным для неё было время, когда она узнала, что её сын Тимур, служивший в рядах Вооружённых Сил и направленный в Афганистан, ранен и стал инвалидом. Она очень тяжело перенесла это сообщение, не могла себе даже представить, что Тимур не сможет передвигаться, так как в результате взрыва был подорван танк, командиром которого он являлся, и Тимур остался без обеих ног.***

Детство и юность Марии Честновой прошли в городе Саранске Мордовской республики. После получения высшего образования она была направлена на работу в Польшу, где познакомилась с Азимом Саидовым, юношей, приехавшим из Узбекистана. Молодые люди полюбили друг друга, создали семью, и Мария с мужем приехала на родину Азима Саидова - в город Карши.

Долгое время Мария Петровна работала в должности инженера проектного института, затем в Каршистрое, тресте Водстрой и других различных организациях. Своим трудом она внесла огромный вклад в освоение Каршинской степи.

Вместе с Азимом она воспитала дочь Аллу и сына Тимура, которые всегда были окружены лаской, заботой и любовью родителей.

Все окружающие знали, что в дружной, интернациональной семье Азима и Марии царят взаимопонимание, преданность, искренность и любовь. Алла мечтала о профессии педагога и после окончания школы поступила в Каршинский педагогический институт, стала учителем русского языка и литературы в соответствии с призванием.

Тимура привлекала техника, он мечтал стать инженером. По достижении семнадцатилетнего возраста он был призван в армию и направлен в Афганистан, где служил в Кандагаре. В связи с военными событиями в этой стране, ему, как и его сослуживцам, довелось участвовать в боевых действиях. В одном из боёв от взрыва, который произошёл недалеко от места, где находился Тимур, погибли два его друга - Виктор и Мамур. Тимур приблизился к горевшему танку, перешагнув воронку, образовавшуюся в земле. В этот миг произошёл ещё один взрыв, который отбросил его в сторону. Боли Тимур не чувствовал. Он попытался встать, но не мог.

Вот что рассказывал Тимур позже своей матери:

- Огромный голубой небосвод исчез, осталась маленькая чёрная точка. У меня закружилась голова. Я хотел покончить с собой. И вдруг я увидел перед собой отца, тебя, мама, всех наших родных, которые глядели на меня и просили, чтобы я не делал этого. Увиденная живая картина запомнилась мне на всю жизнь. Всё происходившее тогда я часто вижу во сне.

Домой Тимур вернулся инвалидом. Мария Петровна выходила его, поддержала морально. Долгое время он лечился в госпиталях. Вместо ног Тимуру были изготовлены протезы. Матери тяжело было смотреть на искалеченного сына. Ведь раньше он был, как и отец, высокого роста, статным,красивым. Но война сделала его инвалидом. И лишь благодаря его силе воли, выносливости, стремлению быть полноценным членом общества, приносить пользу людям, он не сдался.

Вернувшись после лечения домой, Тимур закончил педагогический институт, создал семью. Его сын Закир обучается в компьютерно-технологическом колледже, младший сын учится в школе. Они всегда стараются быть рядом с отцом, помогать ему, чтобы он не чувствовал своего увечья, был счастливым.

Бывшие воины-афганцы создали производственное предприятие инвалидов и ветеранов «Регистан», работой которого руководит Тимур. В составе объединения - 32 человека, из них 18 инвалиды. Цель предприятия - поддержка инвалидов и ветеранов афганской войны. Несмотря на ограниченные возможности, члены предприятия ведут строительство, обмуровку и установку промышленных и отопительных котлов, а также оказывают услуги населению по ремонту автомашин.

В канун Международного дня инвалидов бывшие воины-афганцы организовали встречу, где они вспоминали события, которые им довелось пережить. Участие в этой встрече принял также врач-педиатр первой категории, заведующий вторым детским отделением детской городской поликлиники № 3 города Карши Юлдаш Элмуродов. Он также служил в армии в Афганистане, получил ранение. После лечения и выздоровления он закончил педиатрическое отделение Самаркандского медицинского института имени И. П. Павлова. После завершения учёбы с 1993 года он работает врачом поликлиники № 3. Сначала был назначен участковым педиатром, а с 2003 года - заведующим отделением.

Супруга Юлдаша Хамраевича - Дилфуза Равшанова также врач-педиатр. Она много помогает ему, как жена, как друг, как сотрудник. Непростая судьба у этой семьи. Главный врач поликлиники Нурмамат Мейлиевич Дусткобилов очень внимателен и заботлив по отношению к ним. Он ценит их как умелых специалистов:

- В поликлинике № 3 я работаю с 1991 года, хорошо знаю Юлдаша Хамраевича. Он очень старательный врач, использующий в своей практической деятельности новые эффективные методы лечения детей. Безграничная любовь к детям - главное качество, которое помогает ему в работе. В нашей поликлинике много талантливых специалистов. Это врачи высшей категории Фотима Бегимова и Гульсара Шомуродова, врачи первой категории Дилором Таджиева, Холида Кенжаева, Шомурод Жураев и многие другие. Все они работают дружно, сплочённо и всегда готовы помочь Юлдашу Элмурадову. Также большую помощь в работе нам оказывает Бахром Авязович Рузыбоев - главный врач центральной Каршинской городской больницы. Долгие годы он успешно работал руководителем нашей организации, хорошо знает наши проблемы и наших сотрудников.

Юлдаш Хамраевич часто встречается с инвалидами, членами предприятия «Регистан». Он помогает им в лечении детей в случае заболеваний, поддерживает морально. Ведь у каждого из них есть семьи, дети. И несмотря на состояние здоровья, они прилагают все усилия, чтобы их дети росли в достатке, не ощущали, что их отцы инвалиды, и были здоровыми и счастливыми. В этом им во многом помогает также Мария Петровна. Она не только помогла инвалидам в создании предприятия «Регистан», но и в течение всех 15 лет его существования является его бухгалтером и снабженцем. И хотя она достигла 70-летнего возраста, энергии и оптимизма у неё больше, чем у некоторых молодых людей.

На встрече с инвалидами-афганцами Юлдаш Элмуродов сказал:

- Пусть сгинут с лица земли те, кто затевает страшные, разрушительные войны, по чьей вине происходят террористические акты, от которых теряют здоровье и гибнут люди. Пусть наши дети и внуки не знают ужасов войны, которые довелось испытать нам.

Участники встречи искренне благодарили Марию Петровну за доброе сердце, отзывчивость. Они называют её матерью. Ведь она к ним относится с огромной любовью, заботится о них так же, как о своем сыне Тимуре.

В этой встрече принял участие хоким города Карши Шухрат Турсунов. Он подарил членам предприятия «Регистан» телевизор, пожелал здоровья, счастья.

Тимур Саидов высказал слова благодарности в адрес Президента нашей Республики Ислама Абдуганиевича Каримова за провозглашение 2006 года - Годом благотворительства и медицинских работников. Также он выразил признательность руководителям организаций, которые оказывают помощь и поддержку семьям афганцев-интернационалистов. Особо он отметил работу благотворительной организации «Соглом авлод учун». Главный специалист этой организации Шахноза Самадова поддерживает связь с нашим производственным предприятием, знает наши проблемы, оказывает помощь в их решении, материально и морально поддерживает наших ребят.

Афганцам-интернационалистам Мария Петровна вручила подарки от организации «Каунтерпарт Интернэшнл» и зачитала приветственные слова от её руководителя Камола Хусаинова.

- Мы надеемся и верим, что в этом году у нас появится много спонсоров и тех, кто будет сотрудничать с нами. Пусть Новый год принесёт счастье всем моим соотечественникам, - сказала Мария Петровна.

Инвалиды, члены предприятия «Регистан» понимают, что окружающие их люди не оставят их в беде. Ведь не зря говорят, что в жизни всегда побеждает доброта. Она бесценна.

**Лариса БОРТКОВСКАЯ.**

---




***1 декабрь Бутун Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни деб эълон қилинган. Шунга асосан республикамизнинг кўплаб ўқув муассасаларида бу ёвуз иллатнинг салбий оқибатларига доир бир қанча тадбирлар ўтказилди. Жумладан, 2005 йилнинг 20 декабрь куни Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек туманидаги К. Волков номли 225-мактабда «ОИТСни тўхтат — ваъдани бажар» шиори остидаги деворий газеталар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

*Долзарб мавзу*

# ОИТСНИ ТЎХТАТ — ВАЪДАНИ БАЖАР

Тадбирни Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг назоратчиси Неъмат Юнусов кириш сўзи билан очиб, мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларни ОИТС ва гиёҳвандлик балосидан асраб қолиш, уларни бу касалликлар тўғрисида батафсил ахборотга эга қилиш кераклиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнгра, Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиали директор ўринбосари Ф. Қурбонов ва матбуот бўлими бошлиғи С. Носировалар сўзга чиқиб, ҳозирги замон кишилари ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлиги, лекин айрим йигит-қизлар орасида ҳар хил жинсий касалликлар ҳамда кўпгина зарарли одатларнинг кенг тарқалиб, авж олиб бораётганлиги ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, жинсий ҳаётни эрта бошлаб, тасодифий жинсий алоқа қилиш оқибатида ОИТС вирусини юқтириб олиш мумкинлиги, мазкур касаллик тарқалишида гиёҳвандларнинг муҳим роль ўйнашини таъкидлашди.

Шундан кейин деворий газеталар танловининг ғолиблари аниқланиб, эълон қилинди. 3-ўрин Мирзо Улуғбек туманидаги 279- ва 187-мактаб ҳамда Чилонзор туманидаги 173-мактаб ўқувчиларига насиб этди. 2-ўринга эса Сирғали туманидаги 264-мактаб ва Юнусобод туманидаги 17-мактаб ўқувчилари сазовор бўлишди. Танловнинг мутлақ ғолиби деб, Мирзо Улуғбек туманидаги 171-мактаб ўқувчилари топилди. Ғолиблар тадбир ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Холмурод РАББАНАЕВ.**
**Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.**

Здравоохранение Узбекистана

## Наши современники

# ПОРТРЕТ ХИРУРГА

***Имя хирурга Мамура Мустафаевича Абдурахманова, директора Республиканского филиала экстренной медицинской помощи известно далеко за пределами Бухарской области. Мамур Мустафаевич лечит больных более тридцати лет. За этот период он завоевал огромный авторитет, уважение, благодарность всех, кто лечился у него. Своим личным примером он демонстрирует, что такое совесть, долг, сострадание, достоинство человека.***

Помимо незаурядного медицинского таланта, Мамура Мустафаевича отличают исключительная мягкость, дружелюбие, «не выпячивание» собственной персоны.

А эти качества характера не пришли сами собой. Только работа над совершенствованием знаний, профессиональных навыков в каждодневной череде больших и малых добрых дел, творимых его руками, приносит понимание, как ценна жизнь человека, зависящая в данном случае от его знаний и опыта.

Мамур Мустафаевич с детских лет запомнил впечатление, произведенное на него визитами врачей. Ему запомнились все приходившие на дом люди в белых халатах, так как родители часто болели. Да и он сам часто простужался, и ему всегда было интересно, как это дядя-тетя-врачи узнавали о боли в горле, услышав слово «А», пощупав руку, проверив работу легких, сердца. И почему он не взрослый, и не врач, вылечил бы папу и маму, думал ребенок. И в детстве он поставил перед собой цель, что будет только врачом и обязательно вылечит своих родителей. Мечту свою он осуществил, а вот родителей вылечить не удалось, они умерли, не дожив до того дня, когда сын станет врачом. Зная, что при поступлении в институт нужны глубокие знания химии, анатомии, Мамур в школе уделял этим предметам большое внимание. Он до сих пор помнит своего преподавателя по химии Р. С. Файзуллина, который после занятий разрешал ему проводить опыты, разъяснял то, что было ему непонятно. Окончив успешно школу, М. Абдурахманов, не изменяя своей мечте, подает документы в Самаркандский медицинский институт и успешно поступает. С первого курса Мамур увлеченно слушал лекции, конспектировал их, после лекций часами просиживал в читальном зале, готовился к семинарским занятиям.

Абдурахманов быстро адаптировался к студенческой жизни, стал активно принимать участие в общественной жизни института, организовывать конкурсы, вечера встреч. В выборе профессии хирурга он обязан преподавателю института Л. М. Левину, все его слова и советы он впитывал, как губка. Занимаясь на последних курсах, Мамур Мустафаевич, не стесняясь, просил разрешения быть с ним на приеме, операциях, накапливал собственные знания, опыт. Успешно закончив институт, молодой специалист с очень хорошей характеристикой получает направление в областную больницу. Любознательность, трудолюбие не остались не замеченными. В 1982 году Абдурахманова назначают заведующим хирургическим отделением. Новой и весьма почетной должности он отдался всей душой. Мамур Мустафаевич еще глубже вникал во все детали хирургической жизни отделения.

В трудовой деятельности Мамура Мустафаевича есть основная черта, невольно привлекающая симпатии: это беззаветная любовь к простому народу. Он живет его горем, радостями и служит ему. Больные занимают большое место во всей его трудовой жизни. Он понимает, что страдающий человек нуждается не только в медицинской помощи, но и в духовной поддержке. Мамур Мустафаевич говорит: «лечащий врач является повседневным свидетелем всех нужд и чаяний больного, как никто другой может и должен оказывать моральную помощь своему пациенту».

Работая в должности заведующего отделения, Мамур Мустафаевич проявил свой организаторский талант, умение работать с коллективом, внедрять новое. В результате заштатное прежде хирургическое отделение стало образцовым. Напряженная и высокопродуктивная работа Мамура Мустафаевича Абдурахманова в операционном хирургическом отделении сплотила вокруг него группу единомышленников, уважающих своего руководителя, понимающих его с полуслова. Не удивительно, что быстро и прочно утвердившийся авторитет, как блестящего хирурга, добросовестного, чуткого врача, очень скоро привлек к нему внимание и симпатии администрации области.

В 1986 году его назначают главным хирургом обл. здрав. отдела, с 1992 года по 2000 год - заведующим обл. здравом. В 2000 году Мамур Мустафаевич успешно защищает докторскую диссертацию по хирургии заболевания венозных артерий.

После защиты докторской диссертации в 2000 году, его назначают директором РЦЭМП. Новый участок работы. Но у Мамура Мустафаевича не тот характер, чтобы просить помощи, консультаций, и здесь с присущим ему энтузиазмом, трудолюбием, способностью увлечь своим личным примером, он взялся за работу. Филиал рассчитан на 255 коечных мест. Сюда поступают пациенты всех возрастов, начиная от детей с различными заболеваниями и включая больных, нуждающихся в экстренной помощи. Два реанимационных отделения, вновь открыто кардиологическое отделение на 8 коечных мест.

Центр оснащен диагностической современной аппаратурой, подобран штат высококвалифицированных специалистов. За короткий срок филиал стал одним из лучших опорных центров республики.

Успеху в работе центра способствует то, что Мамур Мустафаевич неустанно совершенствует свои знания, опыт и этим подает пример молодежи. В его уютном кабинете нет помпезности. У него в кабинете висят портреты его любимых хирургов и аккуратно сложены подшивки журналов, в том числе и «Хирургия Узбекистана», где опубликованы его статьи.

Видное место в кабинете занимают другие специальные журналы: «Хирургия», «Урология», «Московский медицинский журнал», «Медицина критических состояний» и ряд других. Видно, что журналы внимательно прочитаны Мамуром Мустафаевичем: - на многих из них есть пометки и закладки: он не пропускает того, что может пригодиться и здесь, в Узбекистане.

Мамур Мустафаевич хирург многосторонний и, что характерно для него, он охотно принимает на работу молодых врачей, медсестер, с удовольствием передает им свой опыт. Он уважительно относится к своим коллегам. Умеет оценить их труд, благодарить за хорошую работу, а если делает замечания, то это делает в корректной форме. С Мамуром Мустафаевичем работать интересно, он умеет выслушать человека, в трудную минуту помочь, поддержать - так отзываются о нем коллеги.

Мамур Мустафаевич проводит сложные операции на легких, печени, органах брюшной полости, выполняет операции на венных артериях, когда кровь не доходит до пальцев, выполняет восстановительные операции. Успешно проводит и внедряет в практику новые операции по восстановлению артерий после повреждений. Уже проведено несколько таких операций. В минувшем году проведена уникальная операция, когда после производственной травмы привезли больного с оторванной рукой. Благодаря богатому опыту Мамура Мустафаевича операция прошла успешно, рука была вшита и действует.

Несмотря на занятость в клинике он преподает, читает лекции в медицинском институте. Лекции проходят живо и интересно.

М. Абдурахманов принимает самое активное участие в общественной жизни области. «Мне очень важно быть нужным, востребованным, - сказал Мамур Мустафаевич Абдурахмонов. - Я не могу сидеть, мне надо двигаться, что-то делать - видеть результат». И еще мне запомнились его слова: «Нельзя стать подлинным профессионалом, пренебрегая культурой. Надо знать, любить театр, музыку, литературу. Только они формируют нашу душу, ведь личность должна быть гармоничной».

О признательности и благодарности врачу говорят, пишут, звонят все, кто лечился у него, кого он возвратил к жизни. На полках рядом с журналами стопа открыток, телеграмм, писем, которые читаешь со слезами на глазах. Особенно запомнилось мне письмо от подростка из детского дома, которого возвратил к жизни Мамур Мустафаевич. Его привезли в безнадежном состоянии. Благодаря успешно проведенной операции мальчик выздоровел. Вот отрывок из письма:

*«Уважаемый Мамур Мустафаевич!*

*Долго не решался отправить Вам написанное письмо. Во-первых, вы так заняты, во-вторых, не знаю точного адреса. Пишу, как Ванька Жуков на деревню дедушке. Мамур Мустафаевич, большое Вам спасибо за то, что вы спасли мне жизнь. Вы потратили столько сил, борясь за мою жизнь. Прошло много времени, но передо мной до сих пор ваши добрые, ласковые глаза, теплые руки, которые гладили меня по голове и говорили: «Сынок, ты будешь здоровым, еще пойдешь служить в армию». Такую ласку я ощутил первый раз в моей детской жизни. Меня никто до Вас не называл сынком.*

*Мамур Мустафаевич, Вы для меня сейчас самый дорогой человек в моей сиротской жизни. Спасибо Вам, вы не только поддержали меня морально, но и подкармливали меня, передавали с медсестрой соки, фрукты и сладости. В своей жизни я столько не ел, и не ощущал ласки, честно признаться, мне не хотелось уходить из больницы. Каждое утро я ждал Вашего прихода, чтобы еще раз ощутить Вашу ласку, доброту. Скоро пойду в армию, как сложится моя жизнь после армии не знаю, но буду стараться приобрести специальность. И когда у меня будет семья и родится сын, в честь Вас я назову его Мамуром. Мамур Мустафаевич, можно хоть в письме я назову и напишу слово «папа». В жизни мне не пришлось произносить это слово.*

*Алишер».*

Только одно это письмо говорит о том, что Мамур Мустафаевич замечательный врач, человек исключительной скромности и доброты. Он прекрасный семьянин, отец 4 сыновей. Четвертый решил пойти по стопам отца, продолжить династию врачей, поступил в Ташкентский институт, а в Бухарский решил не подавать документы, чтобы не создавать кривотолков о папином протеже.

... Мягкая улыбка, негромкий голос, безупречные манеры, интерес к культуре, искусству и вместе с тем исключительная профессиональность, четкость, компетентность, - таков портрет хирурга М. М. Абдурахманова, нашего современника.

**Валентина ФАДЕЕВА,**
**г. Бухара.**

## С заботой о здоровье народа

# ЗА САМООТВЕРЖЕННЫЙ ТРУД - ВЫСОКАЯ ЗАРПЛАТА

***Вот и завершился 2005 год - Год здоровья. Очень много было сделано для сохранения здоровья народа Республики Узбекистан. Благодаря опеке нашего государства было реконструировано 30 родильных домов, начали свою деятельность 210 сельских врачебных пунктов, все центры экстренной медицинской помощи были оснащены новейшей аппаратурой. Все условия были созданы для перспективной работы врачей.***

Проявлением особого уважения и внимания к труду врачебного персонала стало постановление Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы оплаты труда медицинских работников».

В постановлении учитываются, как стаж медицинского работника, так и объем выполняемой работы, степень ее трудности. Также особое внимание в постановлении уделено труду работников сельских врачебных пунктов. Затронут вопрос по оснащению всех медицинских учреждений современной аппаратурой. Ведь в современном мире медицины особую роль в диагностике и лечении заболеваний имеет работа с новейшими технологиями.

Знакомясь с каждым пунктом постановления, мы понимаем, что в Республике Узбекистан большое внимание уделяется здоровью народа, и ценится труд врачей - хранителей здоровья. А провозглашение 2006 года - Годом благотворительства и медицинских работников станет логическим продолжением всех начатых работ в сфере усовершенствования здравоохранения.

От имени всех врачей республики мы выражаем огромную благодарность правительству Республики Узбекистан. Забота и поддержка государства станет стимулом в достижении успехов и в подготовке молодых медицинских кадров, которые будут трудиться на благо здоровья и благополучия народа.

**Коллектив поликлиники**
**№ 20 г. Ташкент.**

## Помоги себе сам

# ВЯЛОРАБОТАЮЩИЙ КИШЕЧНИК

**Лекарственный сбор при пониженной кислотности: возьмите по 2 столовые ложки травы душицы, листьев подорожника и столовую ложку травы хвоща полевого.**

**При повышенной кислотности: возьмите по 2 столовые ложки листьев мяты перечной, цветов ромашки и столовую ложку травы тысячелистника.**

**Приготовьте настои: 2 столовые ложки сбора заварите 0,5 л кипятка, настаивайте 5-6 часов. Пейте по 0,5 стакана в день перед едой в теплом виде.**

*Хабар*



# КАЙКОВУСЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

**Кейинги пайтларда қишлоқ аҳолисининг соғлигига бўлган эътибор барча мутасадди раҳбарларни янада ишчанлик руҳида фаолият олиб боришларига ундамоқда. Айникса, бу борада вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳам ҳиссалари бениҳоя катта бўлмоқда.**

Зеро, қишлоқ врачлик пунктимизнинг бунёд этилиши ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишида Наманган вилоят ва Наманган туман ҳокимликлари, шунингдек, «Наманганжамоақурилиш» ассоциацияси қурувчиларининг саховатли меҳнатларини тилга олиб ўтишни жоиз деб биламан. Халқимизга малакали хизмат кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда жамоамиз билан биргаликда фаолият олиб борар эканмиз, бор билим ва тажрибаларимизни ишга солган ҳолда холис хизмат қиламиз, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудираси, акушер-гинеколог Малоҳат Қаҳҳорова.



Янги йил арафасида, янги шифо масканининг очилиши кайковусликлар учун байрам туҳфаси бўлди. Ушбу тадбирни Наманган туман ҳокими И. Жўраев қисқача кириш сўзи билан очиб, ушбу мўъжазгина тиббиёт муассасасининг очилиши ва фаолият бошлаши қишлоқ аҳолиси учун барча қулайликларни вужудга келтирганлигини ҳамда туман марказий шифохоналарига мурожаат қилишлар сонининг камайишида муҳим аҳамият касб этганшини таъкидлади. Шунингдек, вилоят ҳокими, сенатор И. Нажмиддинов ҳам ушбу масканнинг барпо этилиши аҳоли саломатлиги йўлида қилинган энг савобли ишлардан бири эканлигини ўз фикрларида баён этиб, бундай тиббиёт масканлари янада кўпайиши ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилиши лозимлигини гапириб ўтди. Айниқса, мазкур қишлоқда яшовчи аҳоли номидан сўз олган фермер М. Иминжонов юқоридаги мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорчилигини билдириб, қишлоқ врачлик пунктининг айни пайтда иш бошлаганлиги кайковусликларнинг бир неча йиллик орзулари амалга ошганлигини эътироф этди. Энди қишлоғимиз аҳолиси 25 километр масофани босиб, туман марказий шифохонасига бормай, балки қишлоғимизда қад ростлаган шифо масканидан сифатли тиббий хизмат олиш имкониятга эга бўлдилар.

Тадбир сўнггида ушбу қишлоқ врачлик пунктини бунёд этишда ўз меҳнатларини аямаган бир гуруҳ қурувчиларга туман ва вилоят ҳокимликлари томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**Суратларда: ҚВПнинг умумий кўриниши. ҚВП мудираси, олий тоифали акушер-гинеколог Малоҳат Қаҳҳорова. ҚВПнинг кичик тиббий ходими (ўнгдан) Заҳрохон Шокирова, физиотерапия ҳамшираси Замира Данаева ва кичик тиббий ходим Ҳалима Темировалар яратиб берилган шарт-шароитлардан хурсандлар.**

**Аъзамжон АКБАРОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**



*Темирга бой уннинг нони — саломатлик гарови*

# ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ҚИЗҒИН МУЛОҚОТ

**Унни бойитиш бўйича Миллий дастур доирасида журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи – Миллий мукофот таъсис этилганлиги хусусидаги тақдимот маросими**

Темир танқислиги анемияси ҳамда бойитилган ун ва нон маҳсулотлари мавзусини ёритишда оммавий ахборот воситалари вакилларининг қизиқишларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи – Миллий мукофоти” миллий танловини эълон қилди.

2005 йилнинг 22 декабрь куни пойтахтимиздаги "Марказий" меҳмонхонада мана шу мавзуга доир тақдимот маросими бўлиб ўтди. Йиғилганлар ҳузурида табрик сўзи билан чиқиш қилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси Танзила Камоловна Норбоева барча оммавий ахборот воситалари вакилларини мазкур танлов ташкил этилгани билан қизғин муборакбод этар экан, унни бойитиш бўйича Миллий дастур республикамизда қандай жорий этилаётгани, унинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги, айниқса туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, келажагимиз бўлган жажжи болакайлар соғлигини муҳофаза қилишда қанчалик юксак аҳамият касб этиши хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Мамлакатимизда олиб борилаётган бу каби кенг миқёсли ишларда аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ва онгли равишда бойитилган ун ҳамда нон маҳсулотлари истеъмол қилишнинг саломатлик учун афзалликларини тушунтириш, шунингдек, тарғиб қилишда журналистлар ва теле-радио ходимларнинг хизмати беқиёс эканлигини эътироф этиб ўтди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Комилов инсонлар саломатлигини сақлашда витаминлар ва микроэлементлар муҳим ўрин тутиши, шу боис хотин-қизлар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олиш учун мамлакатимизда унни тўйинтириш миллий дастури амалга оширилаётгани хусусида тўхталар экан, бугунги кунда республикамиздаги кўплаб ун ишлаб чиқариш корхоналари бу муҳим озиқ-овқат маҳсулотини темир моддаси ва витаминлар билан бойитмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир ушбу чоралар ўз натижасини бермоқда. Буни ўтган йилга нисбатан чақалоқлар ўлими 7,4 %га, оналар ўлими эса 6,8 %га камайганини айтиб ўтди. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи Реза Ҳуссаиний унни бойитиш бўйича Миллий дастур 2003 йили Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан ишлаб чиқилганини эътироф этиб, 2004 йили Ўзбекистон Республикаси минтақадаги давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, унни бойитиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш учун Овқатланишни яхшилаш бўйича Глобал Альянс (ОЯГА)нинг грантини қўлга киритгани, мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АК, ЮНИСЕФ ва Жаҳон Банки томонидан жорий қилинаётгани хусусида тўхталар экан, 2005 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 153-сонли қарори эълон қилинганлиги, ушбу қарорни назорат қилиш режасига мувофиқ оммавий ахборот воситаларига Соғлиқни сақлаш ҳамда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бойитилган ун истеъмол қилишнинг аёллар ва болалар саломатлигига ижобий таъсирини кенг равишда ёритиш тавсия этилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. “Саноатчилар унни тўйинтириб, турли витаминлар ва микроэлементлар билан бойитишади, аҳоли эса бундан бохабар бўлиб, англашилган ҳолда бойитилган ун ва нон маҳсулотларини истеъмол қилишга кундалик эҳтиёж сезиши керак. Дунёнинг турли бурчакларида каттадан-кичиккача "Кока-кола" ичимлигини қанчалар қадрлаб ичиб юрса, бойитилган ун ва нон маҳсулотларини ҳам бунданда ортиқ даражада эъзозлаб, уни суйиб истеъмол қилишга одатланишимиз даркор. Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Зеро, биз ҳамжиҳатликда иш олиб борсаккина кўзланган мақсадга эришамиз ва миллат олдидаги инсоний бурчимизни виждонан бажарган бўламиз.

Шу куни журналистлар ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар бўйича Жаҳон Банкининг Ўзбекистон Республикасидаги мутахассиси Дилнора Исомиддинова, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг бўлим бошлиғи Дилором Сулаймонова, унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг менежери вазифасини бажарувчи Олим Мирхошимовнинг, “Донмаҳсулотлари” лабораториясининг директори Дилором Ғофурова, “Тошкент-нон” нон ишлаб чиқарувчилар Ассоциациянинг маркетинг бўйича раисининг ўринбосари Татьяна Лукьяненко ва АБР JFPR 9005 лойиҳасининг коммуникация бўйича мутахассиси Зарема Саидабдуллаеваларнинг маърузаларини тинглашди.

Йиғилиш якунида соғлиқни сақлаш, овқатланиш, ишлаб чиқариш, ун ва нонни бойитиш, бойитилган озуқа маҳсулотларининг маркетинги ва коммуникацияси соҳасидаги етакчи мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида матбуот-анжумани ўтказилди. Йиғилишни олиб борган БМТ Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси Рустам Ҳайдаров бугунги йиғилишнинг асл мазмун-моҳияти хусусида журналистлар билан қизғин мулоқот ўтказди. Энг асосийси ҳар бир қаламкаш миллат саломатлиги юрт қудрати эканлигини дилига жо айлаб, бу борада олиб бориладиган барча ишлар аҳолининг бойитилган ун ва нон маҳсулотларини онгли равишда истеъмол қилишига қаратилиши лозимлигини ҳис этганча, ушбу мунаввар даргоҳни тарк этди.




**Миржалол МИРАЛИЕВ.**
**СУРАТДА:** *тақдимот маросимидан лавҳа.*
**Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.**



Республика «Ҳамшира – 2005» кўрик-танловида Тошкент вилояти вакиласи Севарахоннинг эркин мавзудаги чиқиши таҳсинга сазовор бўлди.

А. НУРАТДИНОВ олган сурат.

*Билганингиз фойдангиз*

## АГАР ХОТИРАНГИЗ СУСАЯЁТГАН БЎЛСА...

*кўпроқ картошка ва дуккакли ўсимликларни истеъмол қилинг*

Ёш ўтган сари кўпчилик хотиранинг сусайишини сеза бошлайди. Лекин бу қарилик аломати эмас. Шуни таъкидлаш лозимки, бу белгилар ҳар доим ҳам паришонхотирлик касаллигининг бошланишини билдирмайди. Оддий маслаҳатларимиз сизга хотирани мустаҳкамлашда ёрдам беради. Бизнинг замонамизда кўпгина муаммолар тушкунликни келтириб чиқариши сир эмас. Хотира ҳам тўғридан-тўғри шахснинг ҳис-ҳаяжонли ҳолати билан боғлиқ. Шунинг учун тушкунлик ҳолатидан чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Миянгизни озиқлантириб туришни унутманг. Тадқиқотлар натижасида хотирани мустаҳкамлаш учун $B^2$ витаминига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш кераклиги аниқланган. У ёғсизлантирилган сут ва йогуртда бор. Темир моддаси эса, дуккаклилар, гўшт ва картошкада мавжуд. Денгиз маҳсулотларидаги микроэлементлар ҳам хотира кучининг ошишини таъминлайди. Мунтазам равишда бадантарбия машғулотлари билан шуғулланинг. Чунки, улар мияга кислороднинг етиб бориши ва глюкоза моддасининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

## Инглиз тилини ўрганамиз



Stay in bed – ўрнингиздан турманг – не вставайте.

Take three times a day –... кунига уч марта қабул қилинг – принимайте три раза в день.

One table-spoonful – бир ош қошиқдан – по одной столовой ложке.

One tea spoonful – бир чой қошиқдан – по одной чайной ложке.

Two pills – икки донадан – по две таблетки.

20 drops – йигирма томчидан – по 20 капель.

This medicine is for... – бу... дори(си)дир – это лекарство...

Headache – бош оғриғи – головная боль.

Reducing the temperature – иситмани тушириш учун – для понижения температуры.

Killing a pain – оғриқни йўқ қилиш – для снятия боли.

Cold – шамоллашга қарши – от простуды.

A cough – йўтал – кашель.

**Ҳурматли муштарийлар, бу сонда турли касалликларнинг инглиз тилидаги муқобилларидан сизни огоҳ қилишда давом этамиз.**

Diarrhoea – ич кетиш – диарея.

Diphteria – дифтерия(бўғма) – дифтерия.

Faint – ҳушдан кетиш – обморок.

Food-poisoning – овқатдан заҳарланиш – пищевое отравление.

Fracture – ёриқ – трещина.

**Ирода ИЛҲОМОВА.**

## ЛИМОН – ОЗИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР УЧУН



Лимон организмдаги зарарли моддаларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Лимон шарбати организмнинг соғлом бўлишига кўмаклашувчи воситадир. Уни истеъмол қилиш жадвали жуда ҳам содда. Биринчи куни оч қоринга 1 та лимоннинг 2-3 стакан сув билан аралашмасини ичинг. Ҳар куни битта-битта лимонни қўшинг (6 тага етгунча). Кейин лимон сонини камайтириб боринг ва даволаниш вақтини 13 кунга олиб боринг. Бу услуб овқатнинг ҳазм бўлиши, қондаги холестерин миқдорининг меъёрлашувини таъминлайди. Бундан ташқари бу муолажа вазнни камайтириш хусусиятига эга. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, муолажани бошлашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

## ГЕМОРРОЙ

* Столовую ложку измельченной травы зверобоя залейте стаканом кипятка, кипятите на слабом огне 15 минут, процедите. Пейте в теплом виде по 1/4 стакана 3 раза в день.

* Смешайте по чайной ложке измельченной коры крушины и листьев крапивы, залейте 1 л кипятка, затем кипятите на слабом огне 10 минут, настаивайте 30 минут, процедите. При сильных болях пейте по стакану 4 раза в день за 30 минут до еды.

* 2 столовые ложки измельченных листьев малины дикорастущей залейте стаканом кипятка, настаивайте 30 минут, процедите. Принимайте по 1/3 стакана в день до еды.

* Чайную ложку измельченных корней одуванчика залейте стаканом горячей воды, кипятите 20 минут, процедите, долейте кипяченой водой до первоначального объема. Принимайте по столовой ложке 3 раза в день за 15 минут до еды.

* Столовую ложку семян укропа залейте стаканом кипятка, настаивайте 15 минут, процедите. Принимайте по столовой ложке 3 раза в день за 15 минут до еды.

*Билиб қўйган яхши*

## ОШҚОЗОН КАСАЛЛИКЛАРИ

***Ошқозон инсон организмида энг муҳим ўрин тутувчи аъзодир. Унинг иш фаолияти бузилмаслиги учун бир меъёрда ва ўз вақтида овқатланиш, овқат ҳазм бўлиши учун зарур бўлган хатти-ҳаракатларни бажариб туриш керак.***

Ошқозон касалликларининг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, кўпинча улар тартибсиз равишда пала-партиш, керакли-нокерак нарсани истеъмол қилиш натижасида, озодаликка риоя этмаслик, ҳазм бўлиши қийин таомларни меъёрдан ортиқ даражада истеъмол қилиш туфайли келиб чиқади.

Қадимги Шарқ табобатида ошқозон касалликларини ҳам даволашда даставвал шифобахш ўсимликларга мурожаат этганлар. Гиёҳлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланилиши туфайли ошқозон хасталиги асоратсиз ва ҳеч қандай кўнгилсиз оқибатларсиз ўз вақтида даволанган. Ибн Сино ошқозон ва ичак касалликларини даволашда бўймадорон ўсимлигидан самарали фойдаланган.

Ундан шифобахш дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва ўсимликнинг ер устки қисми кукунидан бир ош қошиқ солиб, 1 соат дамлаб қўйилади. Шу дамламадан кунига уч-тўрт маҳал овқатланишдан аввал бир ош қошиқ миқдорида истеъмол қилинади.

Алоэ барглари ошқозон касалликларида ҳам ишлатилади. Ундан дори тайёрлаш учун алоэ баргларини олиб, унинг ён томонидаги тиканларини пичоқда кесиб ташлаб, илиқроқ сувда ивитилади. Сўнгра шу барглар 2 бўлакдан кечқурун ва наҳорда овқатлангандан сўнг чайнаб ейилади. Даволаш муддати бир ой қилиб белгиланади.

Ошқозонда қаттиқ оғриқ юз берган ҳолда шафтолининг қуритилган (ёки қуритилмаган) баргидан дамлаб ичиш тавсия этилади. Дамламани ичгач, бемор терлайди ва оғриқ йўқолади.

*Шифокорда барча нарса гўзал бўлмоғи керак: кийими ҳам, чеҳраси ҳам, қалби ҳам, фикри-нутқи ҳам.*

## Табассум ҳам даволайди

* * *

Бир кўпол одам ўртоғини хафа қилиб қўйиб, узр сўрапти:

– Хафа бўлма, биродар, лойимни шундай қоришган.

– Лойингни қоришга қоришипти-ю, тепиб пишитишмаптида...

* * *

Бир куни эр уйига лунжи шишган, кўзлари кўкарган, кийимлари йиртилган ҳолда кириб келди.

– Муштлашган экансиз, негa полиция чақирмадингиз? – сўради хотини.

– Полиция билан муштлашдим-да.

* * *

– Жаноб врач, бир нарса сўрасам майлими?

– Марҳамат.

– Сиз беш йил бурун менга «бод касалига чалинибсиз, сувдан узоқ юринг» деган эдингиз. Энди ҳаммомга тушсам бўладими?

* * *

Бир ходим ишга кеч келар, бошлиқ эса унинг кеч қолгани учун маошидан ушлаб қолар экан. Ниҳоят, бир куни бошлиқнинг тоқати тоқ бўлипти.

– Уят эмасми ҳадеб кеч келиш?

– Нега уят бўлар экан. Кеч қолсам, ўз пулимга кеч қоляпманку!

* * *

Бир лофчи иккинчисига дебди:

– Бир йили шундай қаттиқ совуқ бўлдики, тўйгунча музлаган балиқ едик.

Унинг гапига шериги шундай жавоб берди:

– Ўша айтганингиздан бир йил кейин ўша дарёга ўт тушиб, ҳамма нарса ёнди! Роса тўйиб қовурилган балиқ едик.

* * *

– Менинг ўғлим доктор бўлаоладими? – деб сўрапти бир одам ўқитувчидан.

– Менимча бўлолса керак. Чунки, ҳозирданоқ хати докторларникига ўхшайди.

**А. БОБОХОНОВ, тайёрлади.**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Gazeta muassisi:
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Ibodat SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA. M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.

Adadi 7.900 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi.

Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma Г-353.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.

Topshirildi 20.00. 1 2 3 4 5